

XIII

Соибжон Бегматов



КАМОЛИДДИН  
РАҲИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ  
УСЛУБИЯТ ВА АХБОРОТ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ

Соибжон Бегматов

КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ  
(Ўзбекистон халқ артисти)



Тошкент 2002

*Ушбу китоб замонавий санъаткорларимиз ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги асар бўлиб, давримизнинг кўзга кўринган хонандаларидан бири Камолиддин Раҳимов фаолияти билан танишишга имкон беради. Китоб илмий-бадиий ва оммабоп услубда баён этилган. Мусиқа ва санъат касб ҳунар коллежлари, ҳамда олий мусиқа тизимларида таълим олаётган талабалар ва иқтидорли ҳаваскор ёшлар учун мўлжалланган. Китобда санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар ўрин олган. Шунингдек хонанда ижро этган ва яратган бир қатор қўшиқ ва ашулаларни нота намуналари келтирилган.*

*Ўқув-қуланма Ўзбекистон давлат консерваториясининг томонидан нашрга тавсия этилган.*

Масъул муҳаррир:  
**Рифатилла Қосимов:**

*Ўзбекистон давлат консерва-  
торияси анъанавий ижрочилик  
кафедрасининг мудири, профессор.*

Тақризчилар:  
**Абдуҳошим Исмоилов:**

*Ўзбекистон халқ артисти,  
Ю.Ражабий номидаги мақом  
ансамблининг бадиий раҳбари,  
бастакор.*

**Жўрабек Набиев:**

*Тожикистон халқ артисти,  
Ўзбекистон давлат консерва-  
торияси анъанавий ижрочилик  
кафедрасининг профессори.*

## К И Р И Ш

Азиз ва муҳтарам миллий мусиқа санъатининг их-лосмандлари! Ҳукмингизга хавола этилаётган ушбу тўп-лам ҳозирги замон миллий ашула ва қўшиқ санъатининг ёрқин намуналаридандир. Унда мужассам этилган му-сиқий асарлар ўз хусусиятлари билан замонавий ижро йўлларига мансублигини намоён этиб, ашула ва қўшиқ ижрочилиги санъати равнақига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Улар, халқимизнинг мусиқий меросига айланган дурдона ашула ва қўшиқлар каби турфа маънолар ва оҳанглар билан суғорилган замонавий асарлардан десак муболаға бўлмас. Зеро, ушбу асарлар халқимиз томонидан севиб, ардоқланиб келинаётган ва таниқли ҳофизларнинг ижро дастурларидан кенг жой олган ашулалардир. Тўпламда, замонамизнинг арузнавис шоирларидан бири Мавлоно Чустийнинг бетакрор ғазаллари асосида таниқли хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов яратган ва айтган ашулалар жой олган.

Мусиқий меросимиз қадимдан моҳир хонанда ва созандаларнинг ўлмас анъаналари негизида яратилиб, асарлар оша авлоддан — авлодга ўтиб, замон зайли ва ҳаёт тарзи таъсири остида шаклланиб ва ривожланиб келган. Маълумки, бой ва серқирра халқ мусиқа ижодининг аҳамиятли жабҳасини мумтоз асарлар ташкил қилади. Улар халқимизнинг юксак маънавиятини намоён этувчи мақомлар, мақом йўлларида яратилган йирик хажмдаги ашулалардир. Одатга кўра, халқнинг энг гўзал анъанала-рини ўзида ифода эта олган асарларгина умрбоқийлик касб этади. Чунки уларда, мумтозлик хусусиятларини ифода этувчи шакл, таркиб, оҳанг, куй ривож, сўз ва оҳанг бирлиги, сўз-оҳанг ва усул мутаносиблиги каби бир қатор жиҳатлар мужассамланган. Албатта улар орасида фақат халқимизнинг таъби, диди, анъанаси, руҳияти, маънавиятини юксак даражада ифода этувчи асарлар-гина бундай хислатга эга бўла оладилар. Бунинг сири, биринчидан: — мукамал шеър матнига асосланганлиги; иккинчидан: — куйнинг таркибий тузилиш тамойиллари мумтоз мусиқа санъати намуналарига хос бўлиши ва учинчидан: — миллий қадриятлар, анъаналарига асослан-ганлигидадир. Шунинг учун бу асарлар буюк маънавиятни акс эттирувчи юқори бадиий — эстетик туйғулар билан суғорилган. Зотан, бу асарлар кейинги

мерос бўлиб қолишга арзигуликдир.

Миллий анъаналаримиз намуналари яратилиш дав— ридан бошлаб ҳозиргача, оғзаки услубда шаклланиб, ри— вожланиб келганлиги сир эмас. Лекин, бу анъана асосида ҳам киши тинглаб, идрок этиш лозим бўлган турли амаллар ўрин олган. Асримизнинг бошларида бу анъана— ни жаҳон миқёсида тарғиб этиш учун зарур бўлган ёзма кўринишдаги мусиқаларга эҳтиёж кўпайиб нотага туши— риш ва ўрганиш жараёни бошланди. Шу аснода миллий мусиқа меросини ўзлаштириш, уларни тўплаш ва нашрга тайёрлаш, илмий— назарий тадқиқ этиш каби йўналишлар бўйича ҳозирги кунга қадар талай ишлар қилинди. Қўлингиздаги тўплам ҳам шу катта ишларнинг ихчам бир мисолидир. Чунки ундаги мусиқий намуналар ўзига хос услубда, шарқона қолипда нотага туширилган ва ҳар то— монлама мусиқанинг ёзма анъаналарини ўзида мужассам этилганлиги билан характерланади. Қолаверса, бу қўшиқлар Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ко— милжон Отаниёзов, Расулқори Мамадалиев, Мухторжон Муртазов, Орифхон Хотамов, Муҳаммаджон Каримов, Фаттоҳхон Мамадалиев ва Таваккал Қодиров каби за— бардаст санъаткор ҳофизларнинг ижодлари ва ижроларига монанд миллий мусиқа санъатимиз ривожига алоҳида ўринга эга бўлган намуналардан десак хато бўлмаган бўлади.

Камолиддин Раҳимов давримизнинг хонишда— етук, чолғу чертишда— моҳир, ижрочилик услубда— пишиқ ва муқим, ижодда сермаҳсул, билимдон ва зукко санъаткорлардан биридир. Халқимиз орасида уни манзурнафас ҳофиз ва беназир созанда эканлиги кўпчилликка маълум. Лекин, санъаткорнинг фаолиятига чуқурроқ назар соладиган бўлсак, унинг мусиқа илмида маълум даражада мукаммал эканлигига гувоҳ бўламиз. У ўз ижодий фаолиятида Навоий, Махтумқули, Машраб, Ҳабибий, Муқимий, Чархий каби бир қатор ғазал бўсто— нинг етук намояндалари ижодига мурожаат этиб, бена— зир ашулалар яратишга ва мавжуд асарларини ўз услубида муносиб талқин этишга эришган.

Тўпламда санъаткорнинг ижоди ва ижросига мансуб бўлган 18 асар келтирилган. Бу асарлар Камолиддин Ра— ҳимовнинг ижодига мансуб бўлган ёрқин намуналардан бўлиб, фақат Чустий ғазалларига битилганларгина кири— тилган. Мавзу жиҳатидан тўпламга киритилган ашулалар

турличадир. Ушбу асарларда ижодкорнинг ҳис туйғулари, фалсафий дунёқараши, юрак дардлари, юксак маъна— нияти, она заминга бўлган муҳаббати оҳангларда ўз ак— сини топган. Ижодкорнинг мумтоз мусиқани етакчи жабҳаларидан бўлмиш «Ийъқо» илмини лозим даражада идроклай олганлигини ҳам эътироф этиш жоиздир. Бу омил унинг ижодида турли хусусиятларни касб этувчи усулларга мурожаат этиши ва ўзига хос янги усуллар яратишида намоён бўлади. Бу ўринда, қолаверса унинг асар яратиш жараёнида усулнинг бир неча муқобил кў— ринишларини топиши ва унга хос куй басталиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Камолиддин Раҳимов ижодига мансуб ашулалар таркибий тузилиш жиҳатдан мумтоз хусусиятларни ўзида мужассам этади. Ўзининг оҳанг тузилиш шаклидан келиб чиқиб, даромад, миёнхат, дунаسر ва авжлар каби мумтоз асарларга хос ички таркибий унсурлар билан таъмин— ланган. Шу билан бирга куй йўллари ўзига хос жило— ю сайқаллар билан безалган. Камолиддин Раҳимовнинг соз чертишдаги моҳирлигини, ҳар бир асарнинг ички дунё— сини очиб беришида қанчалар муҳим эканлигини эъти— роф этиш лозимдир. Унинг бу хусусиятларини, асарнинг ижро этиш жараёнида ва чолғу нақоротлари каби бўлақлардаги жўрнавозлигидан билиб олса бўлади. Камолиддин Раҳимов ўзининг қўшиқ ва ашулаларида Ватанини севиш, халқни улуғлаш, ота— она ва ҳалолликни қадрлаш, дўстлик, муҳаббат, садоқат каби гўзал инсоний фазилатларни куйлайди. Шу боис, у ижодида доим мумтоз шоирларимизнинг адабий меросларига мурожаат этади. Бу ўринда асримизнинг етук намояндаларидан бири Мавлоно Чустийнинг ижодларига бўлган муносабатини алоҳида қайд қилиш мумкин.

XX аср ўзбек шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган забардаст ғазалнавис шоир Чустий (Набихон Хўжаев) нинг адабий мероси беназир ва бойдир. Чустий домла шеърлялари, ғазалиётлари мусиқанинг сирли дунёси билан суғорилган. Ғазалларидаги ҳар бир сўз сирли, куй оҳангларини ўзида мужассам этган бўлиб, улар— сатрлар, мисралар кўринишида шаклланиш жараёнида гўёки сеҳрли нағмалар билан жонлантирилгандек. Шоирнинг қайси бир асарига мурожаат этманг унга асосланган ғоя негизда характерли куй ҳам ётганлиги аён бўлади. Шу боис бўлса керак, ғазал маъносига мойил оҳанг ва уни шаклига хос бўлган ашула ёки куйни яратиш ҳам

ижодкордан керакли билим талаб этади. Бу ўринда Камолиддин Раҳимовнинг ижодини намуна сифатида келтирсак ҳам арзигулиқдир.

Қўлингиздаги тўплам Чустий домланинг ғазаларига битилган ашулаларнинг бир қатраси халос. Ушбу ашулалар мусиқа санъатининг маълум йўналишларида ўзига хос аҳамият касб этиши бегумон. Зеро, оламшумул аҳамият касб этувчи улкан «Мақом»ларимиз ҳам ана шундай шоиру—хонанда ва созандалар ижодиётининг самараси эканлигини унутмаслик лозим. Бу ўринда биз тақдим этаётган асарлар ҳам бора—бора мусиқа меросимиз хазинаси мулкига айланса не ажаб!

## КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ

(Ўзбекистон халқ артисти)

Камолиддин Раҳимов — Ўзбекистон халқ артисти, халқ ижрочилиқ санъатида ўзига хос талқин услубига эга бўлган устоз санъаткор, моҳир созанда ва хонанда, мумтоз йўлларга мансуб 100 дан ортиқ ашулалар яратган бастакор.

К.Раҳимов 1943 йилнинг 12 январиди, Наманган шаҳрининг зиёли оилаларидан бири — Муҳаммад Иброҳим қозининг ўғиллари Қайимжон Раҳимов оиласида таваллуд топган. Отаси — ёшилигидан мадрасада сабоқ олиб, Наманган шаҳар пахта тозалаш заводида фаолият кўрсатган. Халқ мумтоз мусиқасининг ихлосманди. Ўзи мусиқага алоқиси бўлмасида, ўз замонасининг машҳур санъаткори, халқ ҳофизи Муҳаммаджон Дўстмуҳамедов билан қалин дўст, ҳамфикр эди. Оила аъзолари таркибида мусиқачи бўлмаган, лекин мумтоз мусиқани қадрини билувчи, илми ва шинаванда оилалардандир. Таъбир жоиз бўлса, оналарининг тоғалари дутор чолғу ижрочилигида яхшигина созанда бўлганликларини эътироф этиш мумкин.

К.Раҳимов Наманган шаҳрининг ҳозирги Ал Фарғоний номидаги ўрта мактабда бошланғич таълим сабоғини олади. 4—5—синфдан бошлаб мактабнинг мусиқа тўғарагига қатнашади. Ўзбек халқ чолғуларидан рубоб, дутор, дойра созларида ижро этиш сирларини ўргана бошлайди. Ёш Камолиддин мусиқада илк сабоғни, шу даврнинг машҳур санъаткори Уста Рўзиматхон Исабоевнинг сафдоши Жўра Бойматовдан олади. «Жўра Машшоқ» номи билан элга танилган бу санъаткор халқ мусиқа санъати ва ижрочилигини яхши билган ва кўплаб истеъдодли ёшлар қалбига мусиқанинг илк завқини, жозибасини ва сеҳрини жойлаб ишқини ўйротган инсондир. 2—3 йил Жўра Машшоқдан чолғу ижрочилигини ўрганиб, сўнгра тўғарак раҳбари моҳир созанда ва хонанда Жамолиддин Холиқов тарбиясига ўтади. Моҳир устозлар раҳнамолигида зукко Камолиддин ушбу чолғу созлар ижрочилигини тезда улаштиради. 1957 йилдан бошлаб 4—чи шаҳар клуби ва шаҳар маданият уйи қошидаги созандалар ансамбли таркибида ўзининг ижрочилиқ фаолиятини бошлайди.

1960 йили Камолиддин Раҳимов ўрта мактабни тугатгандан сўнг мусиқа санъати уни ўз оғушига тортади. Унда санъаткорлик касбга бўлган меҳри устун келади ва у ўзининг мустақил ижодий фаолиятида илк қадамларини қўя бошлайди. Бу жараён бир қатор санъат даргоҳлари ва устоз

асарлар гулдастасини тақдим этишга муваффақ бўлди. Бу эса мусиқа санъати ривожига ҳисса қўшиш билан бирга, жамоатчилик ва халқ орасида маънавий янгилик сифатида шуҳрат келтирди.

1970—1980 йилларда бир қатор мумтоз асарлар билан бирга «Кўчамдан жонон ўтганда», «Мастона мастона», «Келмадинг қошима», «Келмаганингда» каби янги асарларни яратиб ижро этди.

90—йилларда эса ака—ука Сўфихоновлар, Эшматжон Ҳайдаров, Фаттоҳон Мамадалиев, Жўрахон Султонов каби санъатимизнинг даргалари ижро этган асарларни ўзлаштириб ўзига хос тарзда ижро этди. Шулар қаторида Саодат Қобулова, Орифхон Ҳотамов, Шожалил Шоумаров каби устоз санъаткорларнинг (мумтоз ашулаларга замонга муносиб сўз қўйиш) амалларини давом эттириб «Дугоҳ Ҳусайний» асарига Фурқатнинг «Излаб висолин, эй моҳи тобон, қачонгача» сўзи билан бошланадиган ғазални қўйиб ижро этишга муваффақ бўлди.

Йиллар давомида Камолиддин Раҳимов — Навоий, Бобур, Машраб, Шўхий, Маҳтумқули, Фурқат, Собир Абдулла, Чархий, Чустий каби мумтоз шоирларнинг ижодига мурожаат этиб, ҳар бир шоирнинг асарлари асосида бир қатор ашулалар ижро этиб, ҳар бирига мусиқий альбом яратишга эришди. Бу альбомларнинг ҳар бирида шорнинг 20 ва 20 дан ортиқ ғазалларига битилган ашулалар жой олган. Уларнинг аксариятига Камолиддиннинг ўзи мусиқа басталаган. 90—йиллар давомида эса «Хаёлимда бир ўзингиз», «Айтишим шартмиди», «Наргиз», «Турналар», «Сани ўйлайман», «Кутаман», «Сув кўтариб кўчамиздан жанон ўтасиз» каби янги ашулалар мусиқий санъатимиз ҳаётига ўзига хос босқич бўлиб, шинавандалар орасида катта олқишларга сазовор бўлди.

К.Раҳимовнинг самарали ижоди тобора мумтозлик хусусиятлар билан суғорила бошланди. Яратган асарларида ҳар томонлама, яъни шаклан ва мазмунан мукамаллик намоён бўлмоқда. Халқ мусиқа ижодиёти мумтоз анъаналари доирасида қатор асарлар яратишга муяссар бўлади. 1980—йилларда Чустий ғазалига яратган «Дўстлик, саломатлик керак» ва «Ризо бўлмаса» Ҳ.абиб Саъдулла сўзига «Эй, ҳаёт» каби ашулалар шулар жумласидандир.

Камолиддин Раҳимов 40 йилдирки, Кифоятби ая Раҳимова билан бахтли ва сермазмун ҳаёт кечириб келмоқдалар. Уларнинг фарзандлари Олимжон, Ҳасанжон ва

Ҳусанжон, Ҳикматой, Содиржон, Адолат ва Зулхумор олий маълумотли муҳандис ва муаллимлик касбини эгаллаганлар.

Камолиддин Раҳимовнинг самарали ижоди ва сермазмун фаолияти ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1978 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1983 йили эса «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига сазовор бўлди. 1999 йили Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан «Эл юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Айни пайтда забардаст санъаткор ижодининг энг баркамол даврида замонамизга муносиб, устозона фаолият кўрсатиб келмоқда.

## ФАОЛИЯТ

Камолиддин Раҳимовнинг фаолиятига назар солар эканмиз, уни мусиқа санъатининг турли жабҳаларида самарали ижод ва меҳнат қилганини кўрамиз. Созандалик, хонандалик, бастакорлик ва устозлик шулар жумласидандир. Унинг ижрочилик йўлида илк бор катта саҳнага хонанда сифатида чиқиши 1963 йили 20 майда Ўзбекистон телевиденияси орқали намойиш этилган эди. Шунда хонанда «Танамда то ки жоним бор, Унутмас ман сени ҳаргиз» сўзи билан айтиладиган «Ҳаргиз» қўшиғини ижро этган эди. Бу давргача эса у созанда сифатида бир қатор устозлар сабогидан баҳраманда бўлиб, мусиқа ўқув даргоҳларида билим олишга улгурган эди. Чунки, у билим олиб сеvimли касбини мустаҳкам эгаллашга ёшлигидан иштиёқи баланд бўлган. Сабоқ жараёни Камолиддин учун улкан уммондан баҳра олишдир. Бу мезонни эса чексизлигини у англаб етган эди. Унинг учун тарбия жараёнидаги «намуна» — буюк аллома Имом ал-Бухорийдир. Чунончи, Хўжа Исмоил ал-Бухорий маълум мавқеъга эришгунча 200 дан ортиқ устозлардан сабоқ олган эканлар.

Камолиддин Раҳимов ҳам ўз замонасининг турли йўналишдаги етук санъаткорлар, адабиёт намояндаларига ижодиёт соҳибларидан сабоқ олиб, улар билан бирга ҳам фикр, ҳамкор бўлишга интилиб яшайди. Дунёни англаш ва идроклаш, ижодиётнинг сир—синаотлари, ҳис—туйғуларга бой руҳий ҳолатларни ифодаловчи созандалик ва хонандалик мезонларини теран англашга уринади. Бу билимларни аввало ижро талқинида, сўнгра ўзига хос услубда яратган асарларида мужассам этишга ҳаракат қилиб яшайди. Ушбу йўлда у ўзбек мусиқа санъатининг устозлари—Шоқосим Шожалилов, Бобоҳон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Комилжон Баратов, Фахриддин Умаров каби устоз намояндalари билан мунтазам мулоқотда бўлганлиги ижодий малака берди. Айниқса, халқ ҳофизии Маъруфхўжа Баҳодиров (1962 йилдан), Орифхон Хотамов, Саидхўжа Холдорхўжаев каби забардаст санъат намояндalари билан бўлган кўп йиллик ҳамкорлиги (қадрдонлиги) унга санъат йўлидаги самарали ижоди ва ижрочилигига беқиёс мадад берди. Қолаверса, айтиш жоизки Камолиддин Раҳимов ижодининг аксарият ҳолларида замонасининг илғор ва устоз санъаткорларини ижролари намуна сифатида хизмат қилган. Шу боис унинг

ижодидан жой олган ҳар бир мусиқий асарлар устозлар ижрочилик анъаналари билан сугорилган. Зеро, Камолиддин Раҳимов ижодининг ҳар бир йўналишлари ўзига хос тарзда мусиқимиз меросидаги ижро анъаналари ва услубларига таянади. Жумладан, ижодкор ўзининг жозибали, шўх қўшиқларини яратишда устоз санъаткорлар—Комилжон Отаниёзов, Комилжон Баратов, Фахриддин Умаровларнинг ижодларидан илҳомланганлигини қайд этиш жоиздир. Камолиддин Раҳимов улардан кўпроқ қўшиқчиликка хос бўлган хусусиятларини намуна сифатида қабул қилган. Жумладан: «Ишонмайди», «Мастона мастона», «Не керак», «Кўчамдан жанон ўтганда» ва ҳ.к.

Камолиддин Раҳимов мусиқамизнинг мумтоз йўлларига хос асарларини ёки ашула йўлларини эгаллашда халқ ҳофизии, бастакор Орифхон Хотамовнинг ижоди ва услубига кўпроқ таянади. Шу боис бўлса керак, унинг асарларини ҳар бири анъанавий ашулалар каби алоҳида бир дунё, теран фалсафий ғояни ўзида мужассам этган намуналар дейиш мумкин. Асарларни ўзига хослигини кўрсатиб турадиган омил ҳам ижодкорнинг мусиқавий—ифодавий тили, талқини, мусиқий тафаккурини намоеён этувчи услуби демакдир. Бу услубни биз фақат, унинг бастакорлик ижодиёти эмас, балки мумтоз мусиқа меросини ўзига хос тарзда ижро этишида ҳам, яъни ижрочилигида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, бу услуб Камолиддин Раҳимовнинг кўп йиллик сабоғи, устозлар билан бўлган мулоқоти ва ҳамкорлигида, ҳаётий тажрибалари негизида шаклландир.

Муқаррарки, хонанданинг бундай ўзига хос ижодий фаолияти шаклланиши жараёнида бир қатор мезонлар муҳим аҳамият касб этган. Бу энг аввало унинг сабоқ ва ижрочилиги жараёнида ўзи учун намуна сифатида танлаган ижро услублар ва санъатимизнинг устоз ва ижрода моҳир намояндalаридир. Демак, санъат йўлидаги фаолият йўналишлари ҳар бир ижодкорнинг амалиётида шаклланиб боради. Ва бу жараёнда табиий истеъдод, касбга бўлган ишқ ва шунга хос интилувчанлик, ижодий самаралар манбаидир. Росмана ижодининг эса ўтган муддатдаги тажрибаси негизида бегумон, ўзига хос услуби гавдаланади. Яъни, ижрочи амалиётда мавжуд ижрочилик анъаналарини ўзлаштириб, идроклаб, унга ижодий ёндошса бундай даражага эриша олиши мумкин. Камолиддин Раҳимов ҳам ана шундай ижодий мезонларни ўташга

муяссар бўлиб ўзининг ижодий йўлини, ижро услубини яратишга муяссар бўлган санъаткордир.

Одатда, бирон бир касбга меҳри уйғонган инсонда сабоқ жараёни муҳим аҳамиятга эгадир. Санъатни ўзлаштириш ҳам ўзга касблар сингари ижрочилик амалиёти билан бевосита боғлиқдир. Ижрочилик амалиёти санъаткор учун «мактаб», «сабоқ», «тажриба мезони», «имтиҳон», «камолот йўли», «синов», «парвоз» ва ҳ.к. Хуллас, бу жараённинг ички имкониятларини янада давом эттириш мумкин. Фақатгина бу кўп жиҳатли жараёнлардан тўғри фойдаланиб, ўзига тегишли хулоса чиқариб, унга ижодий ёндошишга барча кучни сафарбар этмоқ лозимдир. Халқ мусиқаси ва мумтоз мусиқани дилдан севган Камолиддин Раҳимов мунтазам тарзда унинг сиру синоатларини англашга интилиб келган. Мусиқанинг ҳар бир йўналишидаги жанрлар ва уларни ўзига хос талқинини, воҳасига ва шеvasига хос хусусиятларини идроклашга уринган. Шу боис бўлса керак, ўзбек мумтоз мусиқасининг икки асосий таянчлари бўлмиш — усул ва лад тизими мезонларини қунт билан ўзлаштиради. Усул омилини ижрода ва ижодда асосий ўринга қўяди. Бу хусусда ижодкор ҳам муайян фикрга эга: — «...ўзбек мусиқасида усул жуда катта аҳамият касб этади. Халқ мусиқасидаги аксарият мусиқий намуналар, яъни куй ва ашулалар бир — бирларига монанддирлар. Жумладан, Гиря I, II, III; Ҳожиниёз I, II. Уларнинг куй йўлларини фарқлаш қийин. Сабабки, барча туркумий асарлар негизида ўйланган ягона гоя мавжуд. Ва улар барча қисмларда ўз ривожини топади. Фарқи эса, асосан уларнинг усулида, яъни метро — ритмик асосларида намоён бўлади. Бундай ҳолни «Чоргоҳ»лар, «Шаҳноз Гулёр»лар, «Баёт»лар, «Илғор» — у «Дугоҳ Ҳусайни»лар, «Феруз»лар каби мусиқа меросимизнинг турли ашула туркумларида кўришимиз мумкин. Буни соддалаштириб изоҳлайдиган бўлсак: «усул қўшиқнинг кийими» эканлигига гувоҳ бўламиз».

Демак, усулни фарқига етмаган, уларни ички таркиби ва маъносини англамаган хонанда ёки созанданинг ижроси маъноли ва мукаммал бўла олмайди. Чунки ҳар бир мавжуд усулнинг ифодавий маъно бахш этувчи хусусиятлари мавжуд. Камолиддин Раҳимовнинг мусиқа ижрочилик фаолиятида дойра усулларига катта аҳамият бериб, ўзлаштиргани ва ижодида бунга эътибор бериши муболағасиз ўз самарасини кўрсатган.

Эътироф этиш лозимки, қўшиқчилик жараёнини англаш, ўрганиш ва ўзлаштиришнинг ҳам ўз жумбоқлари мавжуд. Уни устига, бу жараён ҳар бир ижодкорга ўзгача таъсир этиши эҳтимолдан холи эмас. Бу хусусда Камолиддин Раҳимовнинг ҳам ўз мулоҳазалари мавжуд: «...ўрта ёки олий билим даргоҳини битирган билан қўшиқчиликни биламан, деб даъво қилиш қийин. Қўшиқчилик ҳам ҳар қандай касб сингари узоқ муддатли сабоқ ва амалий тажрибани талаб этувчи жараён билан боғлиқдир». Ушбу фикрнинг пироварди масалага ижодий ёндошиш, меросни тўғри идроклаш ва шунга хос хулосага эга бўлишдан иборат. Шу боис халқимиз томонидан устозлар сабоғида катта ҳикмат борлиги уқтирилади.

Мусиқа санъатида касблар кўп — созанда, раққоса, жўрнавоз, хонанда ва ҳ.к. Зотан, хонандаларга халқимиз алоҳида эътибор билан боқиб келган. Бунинг сабабларидан бири хонандалик орқали мусиқани талқин этиш амали бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан ташқари хонандаликнинг руҳият билан боғлиқ ички хусусиятлари мавжудки, бу сифатларни ҳар бир намоёнда ўз ижро амалиётда тўғри идроклаши ва талқин этиши тақозо этилади. Шулар орасида хонандалик учун энг муҳим ҳисобланган омил бу — асарни тингловчи кутганидек мукаммал ва расо ҳолатда унга етказишдир. Чунончи, маҳсулот ҳам маънили бўлиши лозим.

Мусиқий асарни яратилиши ва айниқса ижро мезонларининг кўп сирлари мавжуд. Улар фақат жонли жараён бўлмиш, ижрочилик амалиётида намоён бўлади. Камолиддин Раҳимов ҳам шундай муаммо билан боғлиқ воқеани қуйидагича ҳикоя қилади: — «Қўшиқни яхши чиқишида сўз билан мусиқа муштарақлиги, ғазални куйга мослиги, сўз рукни билан куй усули ва ниҳоят умумий усулга мутаносиблиги жуда муҳимдир. Яъни: а) ғазал ва куй мазмунининг мослиги; б) сўз қанчалик мукаммал ва таъсирчан бўлмасин овоз воситаларида янграйдиган ва янграмайдиган ҳарфларга эътибор бериш; в) ашулачининг нутқи бутун бўлиши каби киши илғамайдиган ҳолатлар. Яхшиси бир мисол келтирсам: — таниқли овоз режиссёри Анвар Тожиев билан иш жараёнида эътибор берилган ишлардан бири — Бобораҳим Машраб сўзи билан «Мастона — мастона» ашуласининг тасмага ёзиш жараёни эди. Асар, назаримда ўзига хос, ашула йўлларига монанд шаклда чиққан. Қўшиқ:



«Ба ногоҳ учради дилбар кулиб мастона мастона» — сўзлари билан бошланади. Куйнинг авжига тўғри келадиган сатри эса «Кўнгилда гусса кўп ҳамдард киши бирла ҳамдам йўқ» сўзларига тўғри келади. Қаранг—ки, ашула ижро этишда юқориги пардалар ҳарф танлар экан. Шулар қаторида «қ» жарангсиз ҳарфлар гуруҳига мансуб экан. Ашуланинг юқори авжига «йўқ» — сўзи тўғри келиб қолибди. Бу эса ўз ўзидан янграмаслиги аниқ. Яъни, у «йў..» бўлиб эшитилар экан. Демак юқори товушда «қ» ҳарфини талаффуз этиб бўлмас экан. Шу—шу бўлди—ю кейинги ижроларда «йўқ» сўзи билан боғлиқ мисраларни жойини ўзгартиришга тўғри келди».

Ижрочилик амалиётининг яна бир муҳим томони ҳамкорлик мезони билан туташади. Ҳар бир мезонда эса ё зоҳиран ё ботинан «устоз шогирд» (мурид—муршид)лик аломатлари ҳукм суради. (Кўпчилиқни назарига туширадиган ва назардан қолдирадиган омил ҳам шу жараёнда намоён бўлса керак). Устозлар билан бўлган муносабатлар, шогирдлик амаллари Камолиддин Раҳимов ҳаёти ва фаолиятида мантиқан ўз меъёрида шаклланган. Бу жараёнда унинг билими ҳар томонлама мустаҳкамланганлиги учун ижоди давомида ўз самарасини берганлигига амин бўламиз.

Камолиддин Раҳимов санъатда, ижрочилик амалиётининг илк даврларидан бошлаб ўз юрти ва замонасининг илғор санъаткорлари — Жўра машшоқ Бойматов, Жалолиддин Холиқов, Бойдада Олимов, Нуриддин Мажидов, Ваҳобжон Абдуллаев, Саидхўжа Холдорхўжаев, Тожиали Олимовлардан баҳоли қудрат сабоқ олади. Улар кимлар эди?

**Нуриддин Мажидов** — устоз созанда, ўз замонасининг моҳир дуторчиларидан ҳамда ашулачиларидан бири бўлган. Ёшлигида раққослик ҳам қилган. Кўп йиллар давомида Наманган шаҳар маданият уйи қошидаги ашула ва рақс ансамблининг бадий раҳбари лавозимида фаолият кўрсатишга муваффақ бўлган. Халқ ашулаларини, айниқса мақом намуналари ва мақом йўлларига мансуб асарларни пухта билган. Ёш Камолиддин эса кўп йиллар давомида ушбу жамоада ишлаб устознинг сабоғидан баҳраманд бўлган.

**Бойдада Олимов** — моҳир созанда, машҳур санъаткор, ўзбек театр санъатининг ёрқин намоёнчаси Раззоқ Ҳамраевнинг қайнотаси. Мусиқа ижрочилиги амалиётида мавжуд барча чолғу созларимизнинг ижрочилик

сирларидан хабардор бўлган. Айниқса, скрипкани овропача услубда чалишга моҳир бўлган. Бу инсондан Камолиддин Раҳимов ўзининг мусиқа дунёсига келган пайтларидан бошлаб созандалик сирларини урганишга муваффақ бўлган.

**Тожиали Олимов** — моҳир доирачи. Амалиётда ва халқимиз орасида «метроном» рамзий таҳаллусини (лақаб) олишга муяссар бўлган. Бу ибора доирада энг равон усул берувчи созандага нисбатан берилади. Машҳур доирачи, мақом усулларининг билимдони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дадахўжа Соттихўжаевнинг шогирдларидан бири. Тожиали Олимов 1940—йилларда таниқли давлат арбоби Усмон Юсупов ташаббуси билан ташкил этилган Янги Йўл театрига таклиф этилган. Бу даргоҳда у бир қатор санъатимизнинг дарғалари билан биргаликда фаолият кўрсатишга муваффақ бўлган.

**Саидхўжа Холдорхўжаев** — Фарғона водийсининг таниқли бастакори. Анъанавий мусиқа меросидан, мусиқа илми ва адабиёт сирларини идроклаган устоз—санъаткор. Фаолияти давомида кўпгина қўшиқ ва ашулалар яратган. Ушбу воҳанинг аксарият санъаткорлари бу устоз сабоғини, ўғити—ю маслаҳатидан баҳраманд бўлган. Камолиддин Раҳимов учун у устоз, ҳамфикр ва маслақдош бўлган. Айниқса, мусиқа ижодиётида унинг беназир устозидир.

**Жалолиддин Холиқов** — устоз санъаткор ва хонанда. Мумтоз мусиқа меросимиз анъаналарини, Фарғона—Тошкент ижро йўлларига мансуб намуналарни яхши билган. Жуда кўп истеъодларга сабоқ берган.

Ижрочилик турфа сирларга эга. Айниқса, шахсий йўл, воҳавий хусусиятлар доирасида уларнинг ҳар томонлама бойиши ва турланиши муқаррар. Камолиддин Раҳимовнинг ўзига хос ижро услубини танлашида ёки биз билган ижро йўли шаклланишида бир қатор мусиқа талқинлари намуна ҳамда илҳом манбаи бўлган дейиш мумкин. Зеро, мукамал талқин ўзининг муқобил намуналарига эгадир. Бундай ижроларни Камолиддин Раҳимов қуйидагича таърифлайди: «Ҳар бир чолғуда ижро этиш катта маҳорат, сабоқ ва билим талаб этади. Бундан ташқари, тажриба ва ижодий муносабат муҳим омиллардир. Бундай сифатга ҳамма ҳам эришиши мушкул. Лекин, бизнинг замонамизда ижрочилиқнинг турли қирралари билан таҳсинларга лойиқ бўлган санъаткорлар кўп. Масалан: тор чолғусида чертиб ашула айтишда Камолжон Отаниёзовнинг услуби ибратли бўлган. Тожиалининг муқомдал ва дона—доналиги билан ажралиб турган. Устоз Жуманазар Бекжоновнинг ижро



талқини ўзгачароқ, лекин ўзига хос гўзал. Бу инсон чолғудаги симлар садосини бир-бирига қўшилган ҳолда чертиб, тараннум этишнинг гўзаллик томонини топган.

Халқ артистлари Ортиқ Отажонов, Хайрулла Лутфуллаев ва Жўрабек Набиевлар ҳам торни ўзига хос усталик билан ва чиройли чертадилар. Уларнинг ижроси билимлиги билан ажралиб туради.

Устоз санъаткор Комилжон Баратовнинг ижроларида «Чапани талқин» (агар мумкин бўлса) ўз ифодасини топган. Фахриддин Умаров услуби эса, ашулага эргаштириб равон чертишга мойил йўлдир. Бу услуб ҳам содда кўрингани билан ички мураккаблик хусусиятлари бордир. Натижаси эса, «тингловчига ашулани-сўз ва мусиқани муштарак ҳолда етказади».

Камолиддин Раҳимов ўз ижодий фаолиятида ушбу устоз санъаткорлар талқинини ўзига хос томонларини лозим даражада ўрганиб идроклашга ҳаракат қилган. Нозик ва керакли жиҳатларини қабул қилган ва ижро талқинининг пировардида сержило тараннумга эга, сеҳрли ва ранг-баранг садолар, маржонга терилган дурдоналардек равон талқинига эришишга муяссар бўлди.

Камолиддин Раҳимов ижодий фаолиятининг яна бир томони-бу мусиқий созларга бўлган муносабатидан намоён. Одатга кўра, ўз касбининг моҳири булганларнинг аксарияти халқ чолғу созларини яшаш билан боғлиқ барча амаллар ва уларни назарий ҳамда амалий сирларидан бохабар бўлганлар. Зеро, инсонни маҳлиё айлагувчи садо мукамал чолғу соз, илми ижрочи ва билимли талқинларни муштараклигида ўз меъёрига етади. Буни сиру синоатларидан воқиф бўлиш учун ҳар бир жараённинг амалидан хабардор бўлишни талаб этади. Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бу жараёнларнинг ҳар бирида етук намоёндалар етишиб чиқади. Улар халқ орасида «мусиқий соз ясовчи уста», ижрочи ва бастакорлар, деб юритилади. Ижод жараёни уларни ҳамкорлик қомига тортса-да, айрим ҳолларда ижрочилар ўз тажрибалари негизида ва ички созланиш сабабли соҳаларига яқин касбларни эгаллашга эҳтиёж топадилар. Ҳаётда бунинг гувоҳи бўлиш эҳтимоли йўқ эмас. Шу боис бўлса керак, айрим ижрочи-хонандалар мусиқий соз усталари билан доимо ҳамкор бўлиб, ижодий муносабатда бўлиб келганлар. Машҳур мусиқий чолғулар устаси уста Усмон Зуфаровнинг «Олтин нохун» соҳиби устоз-Турғун Алиматов билан бўлган ижодий муносабатлари фикримизга

далилдир. Шулар қаторида Камолиддин Раҳимов билган ва ҳамкорлик қилган бир қатор санъат намоёндалари ҳам бундай сифатга эга бўлганлар. Жумладан, халқ ҳофизии Маъруфхўжа Баҳодиров 10 дан ортиқ танбур ясаганлар. Бу танбурлар ўзига хос шакл ва тузилишга эгадир. Бастакор Саидхўжа Холдорхўжаев мусиқий чолғуларни ҳар турини ясайдилар. Хонанда Ваҳобжон Абдуллаев-тор чолғу созини яратиб келмоқдалар.

Камолиддин Раҳимов ҳам чолғу соз яратмаса-да, таъмирлашни урдасидан чиқа олади. Лекин бу ишни усталар қилгани маъқул деб таъкидлайди. Мусиқий чолғу усталари билан доимо мулоқот ва ҳамкорлик қилиб келади. Чунки мусиқий чолғу устахонаси ҳам ижод манбаи бўлган қошоналардан ҳисобланади. Ана шундай усталардан бири-Фаттоҳхон Норматов. Бу инсон Наманган шаҳридаги Чорсу майдонида жойлашган мусиқий асбоблар таъмирлаш устахонасида ишлаган. Кўп йиллар созандалик билан шуғулланган. Бир нечта гижжак созлари яратган уста.

Камолиддин Раҳимов ижодининг энг сермахсул даври унинг Наманган вилоят Навоий номидаги мусиқали драма театридаги фаолияти билан боғлиқдир. У бу даргоҳда 1972 йилдан 1995 йилгача самарали ишлади. Чорак асрдан ортиқ даврда у театрининг бир қатор етук санъаткорлари билан бирга фаолият кўрсатишга эришди. Унинг қалбида театр сабоқ мезони, илм манбаи, билим ўчоғи, яъни, ижод маскани сифатида муҳрланди. Камолиддин Раҳимов театрининг Ҳабиба Охунова, Махмуджон Исомиддинов, Муҳриддин Мансуров, Собиржон Раҳмонов, бастакор Каримжон Мансуров, Ўринбой Нуралиев каби устоз санъаткорлардан ижрочиликнинг турли сирларидан сабоқ олишга, турли жанрлар илмию, саҳна билимларидан баҳраманда бўлишга ва кўп йиллар ҳамкорликда ишлашга муяссар бўлди.

Шунга бир мисол сифатида Камолиддин Раҳимов эслайди-ки: Ўзбекистон халқ артисти Муҳриддин Мансуров-«Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зухра», «Лайли ва Мажнун», «Равшан ва Зулҳумор» каби мумтоз асарлардаги бош қаҳрамонлар образини меъёрига етказиб ижро этган. Ҳар доим унинг ижроси тингловчилар томонидан ўта иштиёқ билан кутиб олинган. Сабабки, бу санъаткор роль ижроси жараёнида саҳнаниннг қайси бир жойидан туриб ижро этмасин, овози тингловчиларга бир меъёрда етиб борган. Буни шундай изоҳлаш лозимки, Муҳриддин Мансуров ўзига хос овоз тембрига эга бўлиш

билан бирга, сахнанинг муҳим сири бўлиши акустик мезонини ҳам яхши идроклаган. Бундай сирлардан воқиф бўлиш ҳам санъаткор учун муҳимдир.

Театрда Камолиддин Раҳимовнинг хонанда ва ижодкор сифатидаги фаолияти ҳам ўз самарасини топди. Аввало, шуни алоҳида эътиборга олиш лозимки, санъаткор — бу халқни маънавияти учун хизмат қилиши лозим. Шу нуқтаи назардан Камолиддин Раҳимов ҳам қадриятларимизга асосланган, миллий анъаналаримизга хос ва тингловчилар дидига мос тарзда мусиқа меросимиздан, янги ижод намуналаридан халқимизга тақдим этишни мақсад қилади ва бу ишнинг уддасидан чиқиш учун астойдил бел боғлайди. Иш жараёнида бунга асосий туртки бўлган омил бу 70–80 йиллардаги оммавий (чет эл эстрада) мусиқасининг ҳаётимизга кириб келиши бўлди. Ёшларимиз рок, поп, жаз ва рэп сингари мусиқа шаклларининг кўр-кўрона мухлисига айланишди. Бундай мусиқаларнинг мусиқий оҳангларига тушунмай, сўзидан маъно илғамай, мазмунини англамаган ҳолда «ритм» кушандаси бўлиб эргашгани сабаб бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шунга жавобан халқимизнинг келажаги бўлган ёш авлодга мумтоз адабиётимиз намуналаридан туркумий тўпламлар яратишга киришади. Яъни, мумтоз шоирларимиз ижодлари асосида яратилган ашулалар тўпланини яратиб тингловчиларга тақдим этиш ниятида алоҳида — алоҳида ашулалар ёзилган кассеталар чиқаришни бошлайди. Сабабки, ёшларимиз бу ашулаларни тинглаган пайтда пурмаъно сўзларидан, сирли куй — оҳангларидан ва маъноли ижросидан баҳраманд бўлсинлар. Камолиддин Раҳимов 1970 — йилларнинг охирларидан ушбу ишни бошлаб ҳар 1,5 ва 2 йил ичида мусиқа шайдоларига биттадан кассетани<sup>1</sup> тақдим этишга муваффақ бўлади. Натижада аввалига Бобораҳим Машраб ғазалларига айтилган ашулалардан 2 та кассета, Махтумқули ғазалларига айтилган ашулалардан 2 та кассета тақдим этилади. Шундан сўнг, мухлисларнинг ижобий фикрлари ва бундай ишга хайрихоҳларнинг бисёр эканликлари намоён бўлади. Ва бу ишни давом эттиришга таклифлар тушади. Шундан сўнг, замонамизнинг отахон бастакори, Ўзбекистон халқ ҳофиси Орифхон Ҳотамов ижодидан 20 тадан ортиқ ашулаларни магнит тасмаларига ёзиб яна бир кассета тингловчиларга тақдим этилади.

<sup>1</sup> Мусиқий альбом бўлиб, таркибида муайян шоирнинг ғазаллари билан айтилган ашулалар жой олган. Ҳар бир кассетада тахминан 15–20 тагача ашула, қўшиқлар жой олган.

Кассеталар ёзиб мухлисларга тақдим этиш Камолиддин Раҳимов фаолиятида мунтазам машғулотга айланади ва навбатма — навбат 1995 йилгача Чустий, Шўхий, Фурқат, Бобур, Ғаффорий, Собир Абдулла каби мумтоз адабиётимиз намоёндаларининг шеър ва ғазаллари билан айрилган ашула — қўшиқлар тўпламлари магнит тасмаларига ёзилади. Фарғона — Тошкент мақом йўлларида «Баёт»лар, «Шаҳнозу» «Гулёр»лар, «Дугоҳ Ҳусайний»лар ва табаррук зот оналарга ҳам бағишланган бир кассета ёзиб ниҳоясига етказилади. Камолиддин Раҳимов қўшиқ ва ашулалар айтган 20 та кассетани мухлисларга тақдим этишга эришади. Уларнинг аксарияти, яъни 13–14 тасида жамланган мусиқий намуналар Камолиддин Раҳимов ижодига мансубдир.

Устоздан ўрганиб шогирдларга ўргатиш анъанасига кўра, Камолиддин Раҳимов ҳам бир қатор иқтидорли ёшларни ўз ижро услубига хос йўлда тарбиялашга муваффақ бўлди. Республикамиз миқёсида улар кўпчиликни ташкил этишсада, Расулжон Қосимов (Чуст), Назрулло Усмонов (Наманган — Тошбулоқ), Боқижон Сагиров ва Ҳамиджон Маллабоев (Наманган), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзаабдулло Раҳмонов (Чортоқ), Абдунаби Мамажонов (Косонсой) каби шогирдлари элимизга манзур бўлган сеvimли шогирдларидандирлар. Уларнинг ижролари устозга маъқул ва халқимиз дилидан жой олишга, муяссар бўлишга эришгандирлар.

Камолиддин Раҳимов элимиз севиб ардоқлаган санъаткордир. Мусиқа санъатимизнинг азалий анъаналарини ўзлаштириш учун доимо имкон, вақт топган ва шунга яраша мақсадига эришган. Олган билимларининг пировардида эса халқимизга мусиқа талқинидаги ўзига хос ижро услубини яратишга муяссар бўлган забардаст устоздир. Замонамизнинг етук ва устоз санъаткорлари қаторида Камолиддин Раҳимов доимо халқимиз ардоғида бўлишлари бизни доимо қувонтиради ва келажак сари янги — янги умидлар боғлайди.



К. Раҳимов устоз хонанда Абдурашид Воҳидов билан



Республика телевидениесида тадбир



Ўзбекистон халқ ҳофизи Жаъфархон Умаров  
билан К. Раҳимов



К. Раҳимов Тожикистон халқ ҳофизи  
Маъруфхужа Баҳодиров билан

## Санъаткор ижодидан намуналар (Чустий ғазаллари)

ДАВЛАТИ КАМ БЎЛМАСИН

M.M.  $J = 112$

Халқ музикаси

6  
8

Ях-ши-лар муж гони ҳар-тиз,  
 Ғам би-лан нам бўл-ма-син, О-дам ав-ло-ди-га қасд  
 Эт-гив-чи о-дам бўл-ма-син,  
 Ях-ши-лик душ-ман-ла-ри ум-ри-да хур-рам бўл-ма-син,  
 Тинч-о-мов-лик бўл-си-ну таш-виш-ли о-  
 лам бўл-ма-син, Дил-га тўл-  
 син шо-духур-рам-лик, си-ра ғам бўл-ма-син,  
 Ким-ки эл-ни шод э-тиб-дур, дав-ла-ти кам бўл-ма-син.

Ҳар ки-ши-ни топ-га-ни  
 тўй-га бу-юр-син, дўст-лар, Меҳ-на-тин  
 қо-йилқи-либ қан-ди-ни ур-син дўст-лар,  
 Тан си-ҳат-лик-ла у-зоқ йил умр кўр-син дўст-лар,  
 Кўр-ма-син дар-ду ба-ло  
 кул-фат-га ҳам-дам бўл-ма-син, Ким-ки эл-  
 ни шод э-тиб-дур, дав-ла-ти кам бўл-ма-син.

Бил - санг, ос - мон - дан ба - ланд

дир ях - ши ин - сон ҳур - ма - ти,

Бар - ча - дан юк - сак ту - рур, бу дав - ри дав - рон ҳур - ма - ти,

Бил - гил, э, дус - тим, бу сўз маз - му - ни - ни

нон ҳур ма - ти, ғам е - син

хал - қи у - чун бу ҳақ - да бе - ғам булма - син

Ким - ки эл - ни шод э - тиб - дур, дав - ла - ти - кам булма - син.

Ҳа - - - - -

Ях - ши - лик -

ни қий ма - ти шул, кийна туг - мас ях - ши - лар, -

Ях - ши - лик бир зар - ра ҳам бўл - са, у - нут - мас ях - ши - лар

Лутф и - ла

ин соф бу - ло - ғи - ни курут - мас ях - ши - лар, -

Чус - тий - дан маз - му - ни йўқ сўз - лар - ни кут - мас ях - ши - лар.

Ях - ши - лар ет - син - камол га, қо - ма - ти

хам бўл-ма-син, Ким -ки эл-ни шод э-тиб  
 дур, дав-лати кам бўлма-син

Яхшилар мужғони ҳаргиз ғам билан нам бўлмасин,  
 Одам авлодига қасд этувчи одам бўлмасин,  
 Яхшилик душманлари умрида хуррам бўлмасин,  
 Тинч - омонлик бўлсину, ташвишли олам бўлмасин,  
 Дилга тўлсин шоду хуррамлик, сира ғам бўлмасин,  
 Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Ҳар кишининг тоғгани тўйга буюрсин, дўстлар,  
 Яйрасин дўстлар билан, даврини сурсин, дўстлар,  
 Меҳнатин қойил қилиб қандини урсин, дўстлар,  
 Тая сиҳатлик - ла узоқ йил умр кўрсин, дўстлар,  
 Кўрмасин дарду бало, кулфатга ҳамдам бўлмасин,  
 Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Билсанг, осмондан баланддир яхши инсон  
 Жондан ортиқроқ эрур ёру қудрдон ҳурмати,  
 Барчадан юксак турур, бу даври даврон ҳурмати,  
 Билгил, э дўстим, бу сўз мазмунини нон ҳурмати,  
 Ғам есин халқи учун, бу ҳақда беғам бўлмасин,  
 Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Яхшиликни қиймати шул, кийна тутмас яхшилар,  
